

ОЙ МАВЗУСИ: “ГҶЗАЛ БАҲОР”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Мавсумий ўзгаришлар						
Муддати	Март ойининг 2-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Коптокни ирғитиш ва тутиб олиш, жуфтликларда бир-бирларига ирғитиш кўникмасини мустаҳкамлаш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Истақ ва қизиқишларни ифодалаш, ўз хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, совғалар ва байрамлардан шодланиш ҳисларини ривожлантириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Кўп, битта маъносини билиш, нутқда турли оҳанг ва имо-ишоралардан фойдаланишга ўргатиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Баҳор фаслининг белгилари билан таништириш, табиатга бўлган эҳтиёткорона муносабат, табиат гўзаллигини сақлаб қолиш истагини тарбиялаш. Кўпроқ, камроқ, тенг тушунчаларини таққослашга ўргатиш. Йил фасллари учун характерли бўлган табиат ҳодисаларини айтиб беришга ўргатиш					
	Ижодий ривожланиш	Санъатнинг баъзи турлари ва жанрларини фарқлашни (кўшиқ, рақс, мусиқа, шеърят, топишмоқ, расм, ҳайкал), мусиқа оҳангига мос равишда рақсга туша олиш малакаларини шакллантириш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, яшаш ва математика	Шаҳримнинг кўприклари		Байрамга таклифнома		Намуна, кубик, лево, оқ ва рангли қоғоз ёки қоғозлар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Супермаркет				Маҳсулотларни тасвирловчи ўйинчоқ, пештахта, касса	
	Тил ва нутқ	“Баҳор” мавзусида шеър ёд олиш				Шеърӣ тўплам	
	Фан ва табиат	Мато турлари				Турли хилдаги мато намуналари	
	Санъат	Лой иши: Гуллар		Аппликацияси:Гулзор		Расм: Майсазорда	Канцелярия жиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

МАРТ. ИККИНЧИ ҲАФТА МАВСУМИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Куриш, ясаш ва математика маркази

Ясаш: Шаҳримнинг кўприклари

Мақсад: болалар схема, суратлар, ўз тасаввурлари асосида курадилар, шакли ва ҳажмига кўра турлича шаклларни номлайдилар, тартиб билан санайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, геометрик шакл, тахта ва пластмасса конструктордан модуль, расм ва фотосуратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кўприklar тасвирланган расмлар ва фотосуратларни кўздан кечириш.
2. Болалар томонидан кўприklarни куришни режалаштириш.
3. “Ҳажмига кўра танла” таълимий ўйини.
4. Конструкторлаш.
5. Болаларнинг ишларини муҳокама этиш, уларнинг ижодини қўллаб-қувватлаш.

Қўшимча: видеофильмлардан фойдаланиш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тасаввурни ривожлантириш, мажбуриятларни тақсимлаш кўникмаси, жамоавий иш жараёни.

Куриш, ясаш ва математика маркази

Қоғоздан ясаш: Байрам таклифномаси

Мақсад: болалар расм билан ишлашни ўрганадилар, қоғозни тенг иккига бўклайдилар, рангларни танлай оладилар, таклифномани байрамона кўринишда мустақил безатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна сифатида турли таклифнома, рангли қоғоздан ҳосил қилинган тўғри тўртбурчак ва чизиқ, елим, салфетка, мўйкалам, қўл остидаги материаллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кутилаётган байрам ҳақида суҳбат.
2. Турли байрам табрикномаларини кўздан кечириш.
3. Иш жараёнининг кетма-кетлигини муҳокама этиш.
4. Болаларнинг мустақил ишлари.
5. Болалар ишларининг кўргазмаси.

Қўшимча: оналар ҳақида қўшиқ ва шеърларни ёдлаш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодкорлик, тасаввурни ранглар орқали тасвирлаш, кунт билан ёндашиш, орасталикни тарбиялаш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

Супермаркет

Мақсад: болалар умумий белгиларига кўра предметларни таснифлай оладилар, сотувчи ва харидор ўртасидаги ўзаро муносабатларни, уларнинг хатти-ҳаракатларини тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: маҳсулотларни акс эттирувчи ўйинчоқлар, пештахта, пулнинг ўрнини босувчи қоғоздан ясалган пуллар, касса.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли маҳсулотларни (ўйинчоқлар) пештахтага жойлаштириш (дўкон бўлимлари: сабзавот, мева, концелярия моллари, кийимлар).
2. Ролларни мустақил тақсимлаш (сотувчи ва харидор).
3. Харидорларнинг супермаркетга ташрифлари: товарни танлаш, кассада тўловни амалга ошириш.

Эътиборга молик жиҳати: тўғри нутқни шакллантириш, болалар ўртасида дўстона муносабатлар.

Тил ва нутқ маркази

“Баҳор” шеърини ёд олиш

Мақсад: болалар шеърни ифодали айта оладилар, матнда берилган баҳор фаслига хос белгиларни биладилар, “З” товушини тўғри талаффуз қиладилар, номида “З” товуши бўлган предметларни расмлар орасидан топа оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: предметли расмлар, баҳор ёмғири тасвирланган расм. “Буниманинг товуши?” таълимий ўйини.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қувноқ тилча” эртаги.
2. Карточкалар билан ишлаш.
3. Расмни намоёни этиш.
4. Болаларга саволлар билан мурожаат этиш.
5. Шеърни ёд олиш.
6. Болалар томонидан шеърни ифодали ўқиш.

Қўшимча: нафас машқлари, тез айтишлар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: товушнинг тўғри артикуляцияси, дикция, нутқнинг ифодали интонациясини ривожлантириш.

Фан ва табиат маркази

Мато турлари

Мақсад: болалар матонинг турлари билан танишадилар, матоларга хос сифатларни ажрата оладилар, кийимларига эҳтиёткорона муносабатда бўладилар, уни ифлос қилмайдилар, чиройли тахлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли мато кийимлари, сувли тоғора, қоғоздан ясалган чизиклар, “Ателье” ўйинига доир атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мато турларини кўриб чиқиш.
2. Матоларни кўл билан ушлаб кўриш ва ҳис қилиш орқали матони аниқлаш.
3. Матоларнинг турлари ҳақида эгаллаган билимларни тенқурлари билан ўртоқлашиш.
4. “Ателье” таълимий ўйини.

Қўшимча: мода журналлари, мато намуналари бўлган альбомларни кўздан кечириш.

Эътиборга молик жиҳати: боғланишли нутқни ривожлантириш. Нутқий мулоқот маданиятини шакллантириш.

Санъат маркази

Лой иши: Гуллар

Мақсад: болалар лойдан (пластилиндан) гул япроқларини ясай оладилар, уни картон устига юпқа қилиб юргиза оладилар, гулларни стек ёрдамида чизадилар, расмга мос тарзда лойни суртадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: 10 x15 см ҳажмдаги картонли асос, лой, стек, тайёр маҳсулотлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гул турлари билан таништириш.
2. Уй ва дала гуллари ҳақида суҳбат.
3. Гул япроқлари ва барглар яшаш.
4. “Давом эттир” таълимий ўйини.
5. Ишларнинг кўргазмаси.

Қўшимча: лойдан қилинган декоратив буюмларни кўздан кечириш.

Эътиборга молик жиҳати: саришталик, майда моторикани ривожлантириш, ижодкорлик.

Санъат маркази

Аппликация: Гулзор

Мақсад: болалар аппликация усулида гулларни тасвирлайдилар, тасвирни декоратив элементлар билан безайдилар, тўғри чизиқларни кеса оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғоз, елим, қайчи, таълимий ўйин учун иккитадан тўрт хилдаги гуллар расми, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гулзор ҳақида суҳбат.
2. Қоғоздан гуллар яшаш.
3. Ишнинг кетма-кетлигини намоёниш этиш.
4. “Жуфтини топ” таълимий ўйини.

Қўшимча: табрикнома, фотосуратларни кўздан кечириш. Рангларни идрок этишга қаратилган таълимий ўйин, гулзорни кўздан кечириш.

Эътиборга молик жиҳати: озода ишлаш, ўзаро кўмаклашиш ҳиссини ривожлантириш.

Санъат маркази

Расм: Майсазорда

Мақсад: болалар “Мўйқаламни босиш” (тичкование) усули билан гуллар ва майса чиза оладилар, асосий рангларни биладилар, гуллар орасидан бойчечакни ажратадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: барг ва бандни тасвирловчи рангли қоғоз, мўйқалам, оқ, кўк, яшил рангдаги гуашь.

Фаолиятнинг бориши:

1. Майсазор ҳақида суҳбат.
2. Болаларга саволлар билан мурожаат этиш:
 - Биринчи баҳор гуллари қандай номланади?
 - Бойчечак ҳақида топишмоқ айтиш.

3. Бойчечакнинг тузилишини кўздан кечириш.
4. Майсазорни тасвирлаш усулини намоёниш этиш.
5. Болалар ишларининг кўргазмаси.

Қўшимча: майсазор тасвирланган расмларни кўздан кечириш. Гуллар ҳақида шеърлар ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодкорлик, саришталик.

1. “Момақаймоқ” мавзусида шеър ўқиш.
2. Ишлар кўргазмаси.

Қўшимча: болалар китобларидаги иллюстрацияларни кўздан кечириш, “Худди шундай гулни топ” таълимий ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: эстетик идрокни, ижодий тасаввурни ривожлантириш.